

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 31 июль, пайшанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 147 (11.208)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР
САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳамда Конрад Аденауэр жамғармаси (Германия)нинг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий вакиллик хамкорлигида ўтказилган анжуман Ўзбекистонда Омбудсманнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан «Hebeas Corpus Act» механизмининг амалда юриштиш борасида хамкорлигига бағишланди.

● Ватанимиз Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шиори остидаги эко-фестивал марафони Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳрида бошланди.

● Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилояти кенгашида миллий ғоя ва маънавий юксалиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Португалияда ўтказиб келинаётган аънавий «EVORA» мумтоз мусиқа фестивалида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Марказий Осиё минтақасидан илк бор расмий хамкор сифатида қатнашди.

● Қарши шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида «Баркамол ёшлар—Ватан таянчи» шиори остида фестивал ўтказилди.

● Қашқадарё вилояти алоқа корхоналари ўртасида Ёшлар йилига бағишланган алоқа ахборотлаштириш агентлиги соҳасида уч босқичли Республика спартакиадасининг иккинчи вилоят босқичи ўтказилди. Унда умумжамоа ҳисобида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Қашқадарё филиали биринчи ўринни қўлга киритиб, мусобақанинг Республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади-ган бўлди.

● «Кўкқонсу» масъулияти чекланган жамияти ўзига хос таъвм ва кўринишга эга янги маҳсулот турларини миқозларга тортиқ этди. Айни кунда корхона томонидан «Родное» сарғи ва беш хилдаги сут-қатиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

● Қогон туманидаги 38 та ёш оила кимовиди савдолари орқали уй-жой қуриш учун ер сотиб олди. Жойлардаги тижорат банкларида ипотека кредити олиш учун уларнинг 50 таси мурожаат қилган ва 13 тасининг аризаси ижобий ҳал этилди.

● Самарқанд вилояти Пайриқ туманидаги Хартан қишлоғида Имом Бухорий халқаро маркази қад ростламоқда. «Ўзқишлоқ-лойиҳа» институти лойиҳаси асосида қурилаётган бинога вилоят «Инжиниринг» компанияси — буюртмачи, «Бунёдор» ишлаб чиқариш қурилиш корхонаси — бош пуратчи ҳисобланади. Марказ Мустақилликнинг 17 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

● Жиззах шаҳрида «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви томонидан эълон қилинган «Фуқароар йиғини кенгашининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча туманлари ва Жиззах шаҳридан голлиб деб топилган 13 нафар маслаҳатчи ўзаро беллашди.

ЖАҲОНДА

● Ҳарбий жиноятлар содир этишда айбланган босниялик сербларнинг собиқ етакчиси Радован Каражић собиқ Югославия бўйича Халқаро трибунал жойлашган Роттердам шаҳрига олиб келинди. Бугун у 11 та пункт бўйича ўзига қўйилган айбловларни тан олиш ёки олмаслигини билдиради.

● Исроил Бош вазири Эхуд Ольмерт Сурия билан музокараларнинг навбатдаги босқичи бошланганини маълум қилди. Шу билан бирга, Бош вазир Дамашқни Исроил билан яхши муносабатда бўламан деса Эронга кўп яқинлашмасликка қақирди. Таъкидлаш жоизки, Исроил-Сурия мулоқоти икки йил аввал бошланган ва билвосита Туркия иштирокида олиб борилмоқда.

● АКШ президентлигига номзод Барак Обама демократик партиянинг Миллий кўмитаси билан хамкорликда лотин америкаликларнинг овозларини жалб этиш бўйича кенг қўламли кампанияни бошлаб юборди. Ушбу кампания Обама ва партияга 20 миллион долларга тушади.

● Жаҳон савдо биржаларида нефтининг нархи бироз ошганлиги кузатилди. Жумладан, кеча бир баррел нефтининг нархи Лондонда ўтказилган савдоларда 126,80 доллар, Нью-Йоркда эса 126,77 доллар миқдориде қайд этилди.

● Грузия тинчликпарвар қучлари қўмондонлиги Жанубий Осетия ҳарбийларини можа-ро рўй бераётган ҳудудда жойлашган Сара-бук стратегик тепалигини эгаллашга ури-нишда айблади.

● Кеча Афғонистонда жангарилар билан юз берган тўқнашулар чоғида 31 киши ҳалок бўлди.

● Кеча Пекинда Олимпиадада қатнашадиган спортчиларнинг жинсини аниқлаш юза-сидан махсус лаборатория ўз фаолиятини бошлади.

● Финляндиядаги Олкилуота атом электр станцияси ҳудудида ёнгин чикди. Ёнгин қурилаётган реакторда бошланган бўлиб, уни тезда ўчиришга муваффақ бўлинди. Бинобарин, радиациянинг ташқарига чиқиши кузатилмади.

● Кеча Буюк Британиядаги газ етказиб берувчи йирик компания «British Gas» нарх-ларни 35 фоизга қўтарди.

Кечка сатрларда

● **КЕЧА** Халқаро хамкорлик марказида тадбиркорлар ва ишбилармонлар иштирокида уюштирилган бизнес-форум Ўзбекистон ва Эрон мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий хамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланди.

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар Савдо-саноат палатасида арбитраж ва ҳакамлик судлари фаолиятини янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига бағишлаб ўтказилган анжуманда ҳуқуқшунослар иштирок этишди.

● **АЙНИ** кунларда Ҳамза туманида ҳар бири 32 хонадондан иборат иккита кўпқаватли уй қурилишида «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашининг «Бунёдор—2008» лойиҳаси доирасида шахримиз олий ўқув юртлири талабаларидан ташкил топган меҳнат отрядлари фаол иштирок этишмоқда.

● **ГРЕЦИЯ**—Хитой мотопойгачиларидан иборат Тинчлик марафони иштирокчилари КЕЧА Тошкентга етиб келишди.

● **КЕЧА** «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташаббуси билан шахримизда ўтказилган тадбирда ушбу соҳани ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар самара бераётганлиги, МДХ давлатлари орасида ташкиллаштирилган «Йилнинг энг яхши аэропорти» танловида Бухоро вилояти аэропорти голлиб деб топилганлиги маълум қилинди.

● **ҲАМЗА** туманида туман Давлат солиқ инспекцияси ташаббуси билан тадбиркорлар ишти-рокида ўқув семинари ташкил этилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши хамкорликларида ёшлар ўртасида ташкил этилган «Келажақ овози» кўрик-танлови ташкилий комиссиясининг йиғилишида шу кунгача ушбу тадбирнинг минтақавий босқичида қатнашиш истагини билдирган ёшлар сони 54 минг нафардан ошиб кетганлиги, танловнинг финал босқичи декабрь ойида ўтказилиши маълум қилинди.

● **БУГУН** «Машъал» ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳида Миробод туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан Фафур Фулом номли маданият уйи хамкорлигида уюштирилган тадбир «Ёз — ўтмоқда соз» деб номланди.

● **ҲАМЗА** туманидаги «Тенгдош» маданият уйида ёш мусавирларнинг расмлари кўргазмаси ташкил этилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

17 МУСТАҚИЛЛИК йил

Истиқлол — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир



СЕРГЕЛИ ТУМАНИ: БУНЁДКОРЛИК йўлида

АЙНИ КУНЛАРДА ШАҲРИМИЗНИНГ ҚАЙСИ БИР ТУМАНИГА БОРМАНГ, ТОБОРА ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН ЭНГ АЗИЗ ВА УЛУҒ БАЙРАМ—МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ҚУТЛУҒ 17 ЙИЛЛИК ТҮЙИГА КАТТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛАЁТГАНЛИгининг ҒУВОҲИ БЎЛАСИЗ. ХУСУСАН, КУНДАН-КУНГА ЧИРОЙ ОЧИБ, ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ ТУҒАЙЛИ ЮРТ РИВОЖИ ВА ФАРОВОНЛИГИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚўШИБ КЕЛАЁТГАН СЕРГЕЛИ ТУМАНИДА ҲАМ БУГУН КЕНГ ҚАМРОВДАГИ РЕЖАЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.



Илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, ишлаб чиқариш каби ҳар бир соҳада олиб борилаётган изланишлар боис юқори кўрсаткичларга эришилди, туман ободлиги, аҳоли манфаатдорлиги ортиб бормоқда. Жумладан, Ёшлар йилининг 1-ярим йиллиги таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, давлатимиз раҳбари томонидан 2008 йилга белгилаб берилган бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни янада эркинлаштиришга доир вазифалар, энг муҳим мақсадли мажмуавий дастурлар асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирларга мувофиқ иқтисодийнинг барча соҳаларида ижобий кўрсаткичларга эришилган.

Жумладан, туманда санаот ишлаб чиқариш жорий йилнинг 1-ярим йиллигида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18,2 фоизга, пудрат ишлари 10,6 фоизга, пуллик хизматлар 10,7 фоизга ошган. Туманда истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари 132,8 фоизга бажарилган.

Туманда маҳсулотлар экспорти 15 миллион 326,2 минг АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 33,7 фоизга ортган.

Санаот ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатларини таъминлашда «Файз» ОАЖ ХК, «Тошиққиламчиранглиметалл» МЧЖ, «Мебель» АЖКК, «Баракат альфа» КК, «Рока текстиль» КК, «Рамель текстиль» КК каби корхоналарнинг улushi катта бўлди.

Давлат бюджети даромадида жорий йилнинг 1-ярим йиллигида солиқ ва тўловлар 28 миллиард 549,6 миллион сўмга режалаштирилган бўлса, амалда 28 миллиард 810,0 миллион сўмга таъминланди, яъни 101,0 фоизни ташкил қилди. Белгиланган режа кўрсаткичлари 260,4 миллион сўмга ортинги билан бажарилди. Маҳаллий бюджет даромадида 7 миллиард 581,4 миллион сўм режалаштирилган бўлиб, амалда тўла бажарилди. Бюджетдан ташқари фондларга 33 миллиард 318,4 миллион сўм маблағ тушуми таъминланиб, режа 105,6 фоизга бажарилди.

Инвестиция дастурига тўхталадиган

бўлса, Республикаимиз Президентининг 2007 йил 9 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»-ги ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2007 йил 9 ноябрдаги «2008 йилги Тошкент шаҳрининг минтақавий инвестиция дастурини тасдиқлаш тўғрисида»-ги қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳукуматнинг шу йил 12 февралдаги мажлисида белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларининг амалга оширилишини таъминлашга қаратилган иқтисодий қулай инвестицион муҳитни яратиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, маҳсулотларнинг янги турларини яратиш ва иш ўринларини ташкил этиш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банк кредитлари, хорижий инвестициялар, энг аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва шу орқали янги ҳудудий маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларига эришиш мақсадида туман ҳокимининг 2007 йил 18 декабрдаги «2008 йилги Сергели туманининг минтақавий инвестиция дастурини тасдиқлаш тўғрисида»-ги қарори қабул қилиниб ушбу қарорга асосан чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, бу минтақавий инвестиция дастурига 6 та корхона киритилди. Шундан жорий йилнинг 1-ярим йиллигида 3 та корхона томонидан 667,5 минг АҚШ долларига тенг бўлган инвестиция киритилди.

Ип-калага ишлаб чиқаришга иxtисослашган «Тошбрунентекс» қўшма корхонаси томонидан 2007-2009 йиллар давомида 28,3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган инвестиция, шундан 2008 йилнинг иккинчи ярим йиллигида 7 миллион АҚШ долларини киритиш режалаштирилган. Бу яна корхонада 250 та янги иш ўринлари ярати-лишига замин бўлади.

Шу билан бирга «Абали углу» хорижий корхонаси 2007-2012 йилларда ўзининг

16,0 миллион АҚШ долларига тенг бўлган, шундан 2008 йилга 8,2 миллион АҚШ долларига тенг бўлган сармоясини киритиб, 415 та янги иш ўринларини яратишни режалаштирмоқда.


Бундан ташқари, «Тошкент халқаро аэропорти» ДУК ўзининг 11,5 миллиард сўмлик, «INTER-SOK» КК 3,9 миллиард сўмлик ўз маблаглари ҳисобига корхонани модерни-зация қилиш ва қувватини оширишни режалаштирган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги «2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадал-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ҳамда 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган дав-рада хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Қарорларни ижроси борасида соҳа вазифа-лари 107,1 фоизга бажарилди. Хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этишнинг истиқбол кўрсаткичлари 5 тага режалаш-тирилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 12 тани ташкил этди, яъни 240 фоизга бажа-рилди.

Бугун мухташам бинолар, кенг ва раво-н йўллар, салобатли кўприги кўрганда кўз қу-внайдиغان гул чамалар ича турган Сер-гели туманида олиб борилаётган катта ҳаж-мдаги бунёдорлик, ободонлаштириш, боғу роғлар яратиш йўлидаги ишларда туман аҳолисининг каттаю кичиги астойдил иш-тирок этмоқда.

Зеро, «Ободлик—кўнгилдан бошланади». Туман аҳолиси мана шу ибратли нақлга амал қилиб, Энг улуг байрамга муносиб ют-қу-ларни қўлга киритган ҳолда ёруғ юз билан пешвоз чиқади. Бу байрам бизники, бар-чамизники, уни эзгу тилак ва хайрли мақ-садларни қўзлаган ҳолда кутиб олиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз.

(Сергели тумани ҳақида ҳикоя қилув-чи мақолаларини газетанинг 2-саҳифа-сида ўқийсиз).



САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИДА 30 ИЮЛЬ КУНИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН-ЭРОН ҲУКУМАТЛАРАДО КОМИССИЯСИНING ТЎҚҚИЗИНЧИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирда икки мамлакатнинг савдо, иқтисодиёт, ёқилги-энергетика, банк-молия, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, озиқ-овқат, кимё, транспорт ва транспорт комму-никациялари, қурилиш, тўқима-

чилик, фармацевтика, сайёҳлик каби соҳаларда фаолият кўрса-таётган қатор вазирлик ва идо-ралари, фирма ва компанияла-ри вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг ўринбосари, комиссия хамраи-си Н.Хонов Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги алоқалар бар-ча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат

раҳбарларининг учрашуварларида эришилган келишуварлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида қайд этди.

Эрон Ислон Республикаси

савдо вазири, комиссия хамра-иси Сайид Маъсуд Мирқози-мий мамлакатларимиз ўртаси-даги дўстлик, ўзаро ўрнат, ишонч ва манфаатдорлик асо-сига қурилган хамкорлик сиё-сий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

17 МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛ

Истиқлол — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажакимиз гаровидир

СЕРГЕЛИ ТУМАНИ: БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДА

САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон ва Эрон муносабатида транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик муҳим ўрин тутади. Мамлакатимиз ўз маҳсулотларини Эроннинг Бандар-Аббос ва Чообаҳор портлари орқали Хинд океанига чиқаради. Эрон эса Ўзбекистон ҳудуди орқали Марказий Осиё ва МДХ мамлакатларига товар етказиб беради. Мажлисда биринчи гапда Эрон ҳудудида янги темир йўл участкалари ишга туширилиши муносабати билан тарифларни қайта қўриб чиқиш ва уйғунлаштириш, тариф преференцияларини кенгайтириш, белгиланган ортик миқдордаги ёқилни учун тўловларни қисқартириш каби масалалар муҳокама қилинди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик жадал ривожланмоқда, — дейди Сайид Маъсуд Мирқозий. — Ташрифдан мақсадимиз барча соҳалардаги ўзаро муносабатларни янада кенгайтириш ва мустақамлашдан иборат. Мўлоқотлар тез орада самара беришига шубҳа йўқ.

2007 йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 565 миллион АҚШ долларини, жорий йилнинг январь-июнь ойларида эса 384,8 миллион доллар ташкил қилди. Ўзбекистон Эронга асосан пахта толаси, қора ва рангли металллар, органик ўғитлар ҳамда ипақ каби маҳсулотларни экспорт қилади. Эрондан Ўзбекистонга озиқ-овқат маҳсулотлари, мева, лок-бўёқ ва бошқа турдаги қурилиш-безаш материаллари келирилади.

Юртимизда эронлик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган 117 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Эроннинг 29 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Мажлисда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигини янада ривожлантириш имкониятлари кўриб чиқилди, истиқболли соҳалар белгилан олинди. Кимё ва озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, фармацевтика, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, икки томон учун ҳам манфаатли бўлган қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари юзасидан атрафлича фикр алмашилди. Қўшма корхоналарни ва товар айирбошлаш ҳажминини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Шу кунга Ўзбекистон ва Эрон ишбилармон доираларининг бизнес-форуми ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саннат палатаси ҳамда Эрон Иқтисодиёт вазирлиги Савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда эронлик ишбилармонлик мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя қиритишининг устувор йўналишлари, юртимизда кенг давом этаётган хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлигини ривожлантириш борасидаги ўзаролиқ билан танишдилар.

Форумда икки мамлакат ўртасида сармоявий ҳамкорлигининг янги йўналишларини шакллантириш, сармояларни жалб қилиш ва ўзаро рабатлантиришни янада такомиллаштириш, кимё, озиқ-овқат, қурилиш, саноат каби соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Эрон компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш масаласи ҳам атрафлича муҳокама қилинди. Бунда Ўзбекистон ва Эрон ишбилармонлари ўртасидаги бевосита ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш муҳим ўрин тутади алоҳида таъкидланди.

Эрон делегацияси аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан музокаралар ўтказди. Пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилди.

Ноҳира МАНЗУРОВА, ЎЗА МУҲБИРИ

ИСТЕЪДОДЛАРГА ҚАНОТ БЎЛАЁТГАН ТАНЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ "КАМОЛОТ" ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА "КЕЛАЖАК ОВОЗИ-2008" ИҚТИДОРИ ЁШЛАР РЕПУБЛИКА ТАНЛОВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БИЛАН БОғЛИҚ МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ОН-ЛАЙН ВИДЕОКОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимидаги ходимлари, ижодий танловнинг ҳакамлари ҳайъати, ташкилий қўмита ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси А.Алимов, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази бошқаруви раиси Б.Шарофова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уларнинг эзгу орау-интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг қўлмали ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар. «Ёшлар йили» Давлат дастурига қўра бу борадаги ишлар қўлами тобора кенгаймоқда.

Дастурда ёшларнинг ижодий салоҳияти, қобилияти ва интилишларини юзга чиқариш учун яқиндан қўмақлаштириш учун ёшларнинг қўллаб-қувватлаш ва рабатлантириш муҳим йўналишлари сифатида белгиланган. Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида вазирлик ва идоралар, муассасалар, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида қўллаб қўллаш, қўриқ-танловлар, фестиваллар ўтказилмоқда. Тўрт йилдан бунён ўтказиб келинаётган «Келажак овози» иқтидорли ёшлар республика қўриқ-танлови навқирон истеъдод соҳибларини кашф этиш, уларнинг ижодий маҳорати ва билиминини янада юксалтиришда яқиндан қўмақлаштириш, интеллектуал салоҳиятини рўбга чиқариш учун имконият яратишга ҳизмат қилмоқда.

«Ёшлар йили» Давлат дастурига мувофиқ бу йил маъмур танловини уч босқичда ташкил этишга қўзда тутилган. Танловнинг тўртинчи ва бешинчи босқичлари жорий йилнинг 4-10 август кунлари, вилоят босқичлари 10-20 август кунлари, финал босқичи декабрь ойида бўлиб ўтади.


Маъмур ижодий танловни юксак савияда ва кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жағғармаси, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Маданияти ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсуд таълим вазирликлари ҳамкорлигида тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга қўра жойларда танловнинг мазмун-моҳиятини навқирон авлод онгу шуурига чуқурроқ етказиш мақсадида турли семинарлар, анжуманлар, «Биз бир жамоамиз!» ижтимоий тадбирлари ўтказилди.

Ижодий беллашувнинг нуфузи, юртимиз ёшлари ўртасида унга бўлган қизиқиш ва интилиш бора бора ортмоқда. Жорий йилги танловда ўтган йилдагига нисбатан икки баробар кўп қатнашчи — эллик тўрт миң нафардан ортиқ йигит-қиз иштирок этиш истагини билдиргани бунинг далилидир.

Танлов икки гуруҳда — 15 ёшдан 19 ёшгача ва 20 ёшдан 25 ёшгача бўлган истеъдод соҳиблари ўртасида — тасвирий ва амалий санъат, бадиий ижод ва публицистика, ахборот ва коммуникация технологиялари, архитектура ва дизайн, ижтимоий лойиҳалар ва бизнес-режа, рационализаторлик тақдирлари, техника лойиҳалари ва ишланмалар, спорт йўналишларида таъкидланди. Ҳакамлар олий ўқув юртиларига ўз йўналиши бўйича имтиёзли таразда ўқишга кириш, танлов учун тақдим этган лойиҳасини амалга ошириш, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази аъзосига айланиш имконига эга бўлади.

Видеоконференцияда юртимизнинг барча туманларида қўриқ-танловини ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар, тайёрларлик ишлари атрафлича муҳокама этилиб, набатдаги вазифалар белгилан олинди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА МУҲБИРИ



Саноат ХАРИДОРЛАР САҒИ ОРТАДИ

ТУМАН ИҚТИСОДИЁТИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИБ КЕЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР ОРАСИДА ТУРК САРМОЯДОРЛАРИ ТОМОНИДАН ОЧИЛГАН «ШАХ-ТЕКСТИЛЬ» ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ ҲАМ БОР.

2007 йилда ўз иш фаолиятини бошлаган ушбу корхонада сифатли пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, бугунги кунда Европа ва Россия давлатларига экспорт қилинмоқда.

—Цехларимизда Италия, Туркия, Англия каби давлатларнинг энг замонавий технологиялари ўрнатилган, — дейди корхона раҳбари Эркин Сарикаев, — Шунинг учун ҳам иш унуми, маҳсулот сифати кундан-кунга ошиб, харидорларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда корхонага киритилган инвестиция миқдори 2 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Мақсадимиз иш унумдорлигининг орттиши ҳисобига яқиндан-яқин технологияларни кириштириб, инвестиция миқдорини ошириб янги иш ўринларини яратишдир. Шунингдек, маҳсулотларимизни чет давлатларга янада кўпроқ экспорт қилиш йўлида изланишлардан чарчамаймиз. — Уларнинг

ЁШЛАР БОғЛАРИ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

МАЪЛУМКИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА УНИБ-ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШЛАРИНИНГ ЖИСМОНАН СОғЛОМ ВА МАЪНАН БАРКАМОЛ, ШУ ЮРТГА МУНОСИБ ВОРИС БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ ЙЎЛИДА КАТТА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ЮРТБОШИМИЗ ТОМОНИДАН ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЁШЛАР ЙИЛИ ДЕБ НОМЛАНИШИ ҲАМ ЁШЛАРГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР ВА ГАМХЎРЛИКНИНГ ЯНА БИР ЁРҚИН ИФОДАСИДИР.

Хусусан Сергели туманида ҳам «Ёшлар йили» Давлат дастури ва ҳудудий дастур ижроси, шунингдек 2009 йилнинг май ойида катта тантана билан нишонланадиган азим Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига муносиб тайёргарлик кўриш ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2008 йил 7 июндаги «Тошкент шаҳри ҳудудида санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда ёшлар фаолигини ошириш тўғрисида» қарори ижроси бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Яъни ободонлаштириш ишларида ёшлар фаолигини ошириш, уларни ижтимоий фойдаланиш меҳнатга жалб қилиш ва пойтахт ҳудудини кўкаламзорлаштириш ишларида ёшларни қўллаб-қувватлаш, меҳнатларини муносиб рағбатлантириш мақсадида ўқув муассасаларида «Бунёдкор ёшлар» гуруҳлари тузилди. Гуруҳ аъзолари бугунги кунда атраф-муҳитни му-


хофза қилиш, белгиланган ҳудудларда тозалик, санитария ҳолатини яхшилаш, бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини тарғиб қилиб тенгдошлари орасида экологик тарбияни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

«Бунёдкор ёшлар» боғини яратишдан мақсад ёз мавсуми давомида ўқувчиларни жамоатчилик ишларига кенг қамровда жалб этиш, атраф-муҳитни муҳофаза қилишга, таълим муассасалари ҳудудларидаги экилган дарахт ва гулларни парваришлаш, асраб-авайлашга ўргатиш, шунингдек, ҳудудларда тозалик, санитария ҳолатини яхшилашга, бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида намуна кўрсатиш, бунёдкорликнинг ижтимоий фойда келтирадиган меҳнат билан ўтказишларига қўмақлаштириш ҳамда келажакда баркамол, меҳнатсевар кадрларни тайёрлаш қўзда тутилган.

—Туманимизда таълим муассасалари томонидан 44 та «Бунёдкор ёшлар» боғининг бунёд этилиши режалаштирилган, — дейди туман ҳокими ўринбосари Ботир Шоисломов. — Бугунги кунда 300-мактабнинг «Гулистон», 317-мактабнинг «Бобур», 8-мактабнинг «Наврўз» маҳаллаларида яратилган боғлар энг намунали деб топилиб барчанинг ҳавасини келтирмоқда. Боғларни бунёд этишда маҳалла фуқаролар йиғинлари ва уй-жой мулкдорлар ширкатлари яқиндан ёрдам бермоқдалар. «Бунёдкор ёшлар» гуруҳларининг фаолияти эса яқин кунлар ичида муносиб баҳоланиб, танловда иштирок этган гуруҳлар меҳнатларига яраша рағбатлантириладилар.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ёшларнинг бунёдкорликнинг фойдали ишларга жалб этиш мақсадида туман ҳокимининг қарорига мувофиқ ўқувчи-ёшлар орасида шу кунгача «Яшил патрул» фаолияти йўлга қўйилган бўлиб улар томонидан бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Ўз навбатида ўқувчилар томонидан ҳам қўллаб-қувватланган ушбу ташаббус издошлари сафи кундан-кунга ортиб бугун 8000 нафарга етди.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, Сергели тумани ёшлари тобора яқинлашиб келаётган Энг улуг ва азиз байрамни ўзларига кўрсатилаётган уямд ва ишончга муносиб жавоб берган ҳолда кутиб олишга бел боғланганлар.



2008 — Ёшлар йили БАРКАМОЛ АВЛОД — ТАЯНЧИМИЗ

ЁШЛАР — КЕЛАЖАКИМИЗ, УМИД ЮЛДУЗИМИЗ, ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ МУНОСИБ ВОРИСЛАРИ. УЛАРИНИНГ БУГҮН КОМИЛ ИШОНЧ, ЭЗГУ ОРЗУЛАР БИЛАН ФАҚАТ ОЛДИНГА ИНТИЛИБ ТАШЛАЁТГАН ДАДИЛ ҚАДАМЛАРИ ОРЗУ-УМИДЛАРИМИЗ ИЖОБАТИДАН НИШОНАДИР.

Мухтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг ҳам бу ҳақда: «Биз бугун ҳаётга кириб келаётган навқирон ўғил-қизларимизнинг очик чеҳрасига, ақл-заковатига, ҳаракат ва интилишларига боқиб, уларнинг юртимизда ҳеч қандам кам бўлмайдиган янги ҳаёт, янги жамият қуришга қодир эканига ишонч ҳосил қиламиз» деганлари бежиз эмас.

Бугунги кунда униб-ўсиб келаётган ёшларнинг таълим-тарбияси, жисмонан соғлом ва маънан баркамол бўлиб вояга етишлари йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳам ёшларга бўлган катта эътибор ва гамхўрлик самарасидир. Жаҳон андозалари даражасидаги академик лицей, касб-хунар коллежлари, олий таълим даргоҳлари, ўрта умум-

таълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, замонавий спорт комплекслари ёшларнинг комил инсонлар бўлиб вояга етишларига ҳизмат қилмоқда.

Сергели туманида ҳам ёш авлод қамолоти йўлида 27 та умумтаълим мактаблари, 6 та касб-хунар коллежи, 1 та академик лицей, муסיқа мактаби, 3 та спортга ихтисослашган мактаб, 2 та қўшимча таълим маркази ҳамда 34 та мактабгача таълим муассасалари фаолият юртимокда.

— Туманимиз ёшларининг жисмонан соғлом, бақувват ва маънан баркамол бўлиб вояга етишлари йўлида барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Ўқувчи-ёшларга ўз касбининг фидойиси бўлган устоз-мураббийлар

ВАТАН ИЧРА КИЧИК БИР ВАТАН БЎЛМИШ МАҲАЛЛА ХАЛҚ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ КЎЗГУСИ. ШАРҚОНА ЯШАШ, УРФ-ОДАТ, АНЪАНА, ХАЛҚ УДУМЛАРИ ТЎЛА АКС ЭТГАН МУҚАДДАС ГЎША. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАҲАЛЛА ТИЗИМИНИНГ ЯНГИДАН ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ ОЧИЛДИ.

Маҳалла ҲАМЖИҲАТЛИК САМАРА БЕРМОҚДА

тинч-тотув яшашлари, ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда иш юритишлари, худудимизнинг тоза-озода бўлиши, вояга етмаган ёшларнинг таълим-тарбияси, уларнинг нотўғри йўлларга кириб қолмасликлари, гиевандлик, ОИТС каби аср вабоси бўлган оғдатларга чалинмаслиги, турли жиноят ва қонунбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга имкон борица интилиб келмоқдамиз. Айниқса «Ёшлар йили» Давлат ва туман ҳудудий дастури ижроси бўйича ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга эътиборни қаратганимиз. Бундан ташқари маҳалламиз айланиб қиҳангиз ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз, бундан атрафчи ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича ҳар доим ҳашарлар ўтказамиз, боғу роғлар яратамиз. Ҳозирги кунгача 3 та боғни фойдаланишга топшириб арасидамиз. Мустақиллик байрамига қадар уларни туман аҳлига топшириб, келгусида парвариш қилишни ҳам зиммамизга оламиз. — Бундан ташқари ёш

оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича 4 та оилага имтиёзли кредит олишга тавсиянома бердик. Турли тадбир, учрашувлар ўтказиб моддий ва маънавий кўмак бериб келмоқдамиз. — дейди сўхбатга қўшилган Саида Комилова. — Кам таъминланган, кўмакка муҳтож оилалар ҳолидан ҳам мунтазам хабар олиб, қўлимиздан келганча қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламиз. Маҳалламизда 37 нафар 2 ёшгача бола парвариши билан машғул бўлган. 39 та 18 ёшгача вояга етмаган фарзанд бор, 42 та ёрдамга муҳтож оилалар бор. Пенсиясиз ва ногиронларнинг вақтида нафақа олишлари ҳам зиммамизда. Шунингдек, 9 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорликда уларни капитал таъмирдан чиқариш, куз-қиш мавсуми олди ишларини бажариш бўйича ҳам фаолият олиб борамиз. 239-милиция таянч пункти катта профилактика инспектори, майор Назар Шокиров етакчилигидаги инспекторлар эса аҳолининг тинчли-

жихозлари билан таъминланди. 8, 174, 284-мактабларда эса жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунгача 95 фойз ишларимизни тугатдик. Бунда албатта туман ҳокимлигининг ёрдами катта бўлди. Бундан ташқари кузги-қишги мавсум ишларини ҳам олиб бораёмиз. Насиб этса яқин кунларда режадаги ишлар орттиги билан бажарилиб янги ўқув йилига барча таълим муассасалари тахт қилиб қўйилади. Бундан ташқари ўқувчи ёшларни ёшликдан меҳнатга ўргатиш, бунёдкорликнинг фойдали ишларга жалб этиш мақсадида таълим масканларимиз ён-атрафларини озода сақлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, мавсумий гуллар экиб бутун атрафчи боғларга айлантириш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Мақсадимиз эзгу орау-ният, ёруғ уй, буюк мақсад билан Энг улуг ва азиз байрамимизга пешовоз чиқишдир.

Саҳифани Шоира МУҲАМЕДОВА тайёрлади. Қозим Ўлмасов олган суратлар

Маҳалланг — ота-онанг

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШТИРИЛАДИ

ВАТАН ИЧРА КИЧИК ВАТАН ҲИСОБЛАНМИШ МАҲАЛЛА АЗАЛДАН МЕҲР-ОҚИБАТ, ТИНЧЛИК-ТОТУВЛИК, ҚАДР-ҚИММАТ МАСКАНИДИР. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАҲАЛЛАГА БЎЛГАН КАТТА ЭЪТИВОР ТУФАЙЛИ УНИНГ АНГИДАН-ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ ОЧИЛИБ, ДАВЛАТ ВА ХАЛҚ ОЛДИДАГИ НУФУЗИ ВА МАСЪУЛИЯТИ ОРТИБ БОРМОҚДА. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ БЎЛГАН УШБУ НОЁБ ТУЗИЛМА КАМДАН-КАМ ДАВЛАТЛАРДА УЧРАШИ БИЛАН ҲАМ ЧЕТ ЭЛЛИК ОЛИМЛАР ДИҚҚАТИНИ ЎЗИГА ЖАЛБ ЭТИБ КЕЛМОҚДА.

Жорий йилнинг 12 сентябрида «Маҳалла» жамғармасининг ташкил этилганга 16 йил тўлади. Утган йиллар давомида жамғарма томонидан қанчадан-қанча кам таъминланган оилалар ҳам моддий, ҳам маънавий таъминланди. Маҳаллалар сони кўпайиб бир қатор замонавий гузарлар қад ростлади. Ҳозирги кунда пойтахтимизда 474 та маҳалла мавжуд бўлиб, 1900 дан ортиқ фидойи инсонлар ушбу тизим ривож учун хизмат қилиб келмоқда.

Хар йили ўзини ўзи бошқариш органи бўлган маҳаллаларда амалга оширилаётган хайрли ишларни сарҳисоб қилиш мақсадида «Маҳалла кўни» тадбири Тошкент шаҳар ҳокимининг 1994 йилдаги «Тошкент шаҳрида аънавий «Маҳалла кўни» тадбирини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тўман ва шаҳар «Маҳалла» жамғармалари томонидан катта байрам сифатида нишонланиб келинади.

Айни кунларда «Маҳалла кўни» тадбирини тўманларда бўлиб ўтмоқда. Биз Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бошқаруви раиси Жамолдин Шохимовдан ушбу тадбирнинг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб беришини сўрадик.

— Бугун маҳалланинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни, аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилаш ҳамда кенг қамровли ислохотлар жараёнини амалга оширишга қўшаётган ҳиссаси ҳақида ҳар қанча гапирсак ҳам оз, — дейди Жамолдин Шохимов. — Маҳаллалардаги ижтимоий муҳит, бандлик масаласи, маънавий-маърифий ишлар, ёшлар тарбияси, жойлар-

даги комиссияларнинг иш фаолияти самарадорлигини ошириш бугунги кунда ушбу тизим билан чамбарчас боғлиқ. Бугунги кунгача Учтепа, Чилонзор, Бектемир, Юнусобод, Сергели, Яксарой, М.У.Лулбек каби бир қатор туманларда «Маҳалла кўни» тадбирлари кўтаринки кайфиятда ўтказилди. Унда маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссияси раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси посбон ва сардорлари, участка профилактика нозирлари ва санъаткорлар иштирок этишди. Хар йили ушбу «Маҳалла кўни» тадбирини юқори савияда, халқимизнинг меҳнатларини муносиб тақдирлаш, яхши кайфият улашиш мақсадида янгиликлар, қўтилмаган совғалар билан ўтказишга ҳаракат қиламиз. Бу йил ҳам шаҳримизнинг энг сўлим Ўзбекистон Миллий боғида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали каби бир қатор тадбирлар, танқили санъат усталарининг чиқишлари, фольклор дасталар, ёш ижрочиларнинг қувнок куй-қўшиқлари бир гулдаста каби тайёрланди, албатта ҳар бир қатнашчи бундан бир олам завқ олади.

Маҳаллаларда ташкилий ва амалий

йўналишларда самарали фаолият юритаётган фаолларни аниқлаш, илғор тажриба ва эришилган ижобий натижаларни кенг оммалаштириш мақсадида, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва зифаларини ҳал этишда «Энг намунали маҳалла», «Энг обод маҳалла», «Энг ибратли хотин-қизлар комиссияси раиси», «Маҳалла тарихини ўрганаман» каби ўн битта номинация бўйича ўтказилаётган кўрик-танловнинг шаҳар бошқариш ва тақдирлаш мақсадида қўшимча номинацияларни ҳам жорий этдик.

Хулоса қилиб айтганимиз бўлса, мақсадимиз мана шундай қулгун кун ва байрамларда халқимиз кайфиятини кўтариш, муваққиллигининг 17 йиллиги арафасида меҳнатларини муносиб тақдирлашдир. Зеро, Юртбошимиз айтганларидек, «Маҳалла — камдан кам мамлакатда мавжуд бўлган ноёб идора». Ушбу тузилманинг юртимиз тинчлигини мустаҳкамлаш, ёшларимизнинг келажақда баркамол вояга етишларида ўрни бекиб. Эртанги куннинг чарогон бўлиши келажақ авлодларга боғлиқ. Уларнинг баркамоллиги йўлида қайғуриш эса ҳар биримизнинг вазифамиз.

Шаҳноза МАҲМУДОВА



Алоқа
МУҲИМ ЛОЙИҲА ДИРАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ БИЛАН ИНТЕРНЕТНИ РИВОЖЛАШТИРИШ КОРЕЯ МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ЎРТАСИДА МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНГАНИГА БИР ЙИЛ БЎЛДИ.

Алоқа ва ахборотлаштириш тизимида ўзаро ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган мазкур ҳужжат доирасида анчагина ишлар қилинди. Энг муҳими, Корей ахборот жамиятининг ахборотни ривожлантириш институти билан яқин алоқалар боғланди.

Шу ўтган кичка даврда эришилган ютуқлар Тошкентда уюштирилган анжуманда сарҳисоб қилинди. Ўзбекистон ва Корейда телекоммуникацион ҳуқуқ ва хизматларни кенг йўлга қўйиш истиқболлари белгила олинди.

ЯНГИ САВДО БЕЛГИСИ ОСТИДА

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЕТАКЧИ УЯЛИ АЛОҚА ОПЕРАТОРЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНГАН «COSCOM» КОМПАНИЯСИ ЁЗ ОЙИДАН БОШЛАБ ТҮЛИК ЯНГИ «UCELL» САВДО БЕЛГИСИ ОСТИДА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА КИРИШДИ.

Ўзбекистон учун маҳаллий компания бўлиб қолаверадиган «UCELL» савдо белгиси жаҳон андозлари даражасида иш юритади. Шу кичка вақт ичида компания Ўзбекистон уяли алоқа хизматлари бозоридаги улушини анча оширди. Йил охирига бориб мижозлар сони икки баробарга ошди. Шунингдек, 2008 йилда «3G» тармоғини фойдаланишга топшириш ҳам кўзда тутилди.

Жорий йилда компания ўз база станциялари санини икки ярим мартага оширади.

ИНГЛИЗ ТИЛИДА ҲИМОЯ ҚИЛИНДИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ ТАРМОҒИНИНГ МУТАХАССИСЛАРИ САФИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ МАГИСТРЛАРИ ҲИСОБИГА 199 НАФАРГА ОРТДИ. ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ МАГИСТРЛАРИГА ДИПЛОМ ТОПШИРИШ ТАНАТНАСИДА АНА ШУ РАҚАМГА АЛОҲИДА УРҒУ БЕРИЛДИ.

Бу йил университетни битирган ёш мутахассислардан 40 нафари инглиз тилида диплом ишини амалга оширди. 24 нафари эса аспирантурада ўқишни давом эттириш учун тавсия этилди. Битирувчиларнинг пухта билим ва малака ҳосил қилишларида «Ўзбектелеком», «МТС-Ўзбекистон», «Ист теларком» компанияларида уюштирилган амалиётлар муҳим аҳамият касб этди.

Тиббиёт

ЯХШИ ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИДА ҲАМШИРАЛИК ИШИ ҲАМ ЯХШИ ЙЎЛГА ҚЎЙЛГАН. УШБУ ЙЎНАЛИШДА ОРТИРИЛАЁТГАН БОЙ ТАЖРИБАЛАРНИНГ ЭНДИЛИКДА ХАЛҚАРО ДОИРАДА ЭЪТИРОФ ҚИЛИНАЁТГАНЛИГИ КЎВОНАРЛИДИР.

Тошкентда ўтказилган ҳамширалар ва дояра миллий ассоциациялари Европа форуми иштирокчилари илмий марказда бўлиб, эришилаётган ютуқлардан қониқиб ҳосил қилдилар. Шифохонада «Ҳамширалик ёзуви ва жараёни» бўйича амалга оширилаётган изланишлар ҳам меҳмонларда яхши таассурот қолдирди.

Ушбу анжуман доирасида шифохонанинг Қирғизистон, Украина, Латвия каби республикалар шифокорлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш тадбирлари ҳам кўрилди.

ҚОНЦЕРННИНГ ЯНГИ РЕЖАЛАРИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «МАҲАЛЛИЙ ДОРИ-ДАРМОН ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИВЧИЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида»ги ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИГА ИККИ ЙИЛ БЎЛДИ.

Шу ўтган давр мобайнида соҳа корхоналарида қатор ютуқлар кўлга киритилди. Бунини «Ўзфармса-ноат» Давлат акциядорлик концерни мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш сифати ортиб, корхоналарнинг молиявий аҳволи янада яхшиланди. Маҳсулотлар экспортга чиқариломоқда. Концерн корхоналари экспорт миқдорини 2011 йилда 23 миллион АҚШ долларига етказиш режалаштирилди. Келгусида тиббий маҳсулотларни ҳамдўстлик давлатлари ва бошқа хориж давлатларида рўйхатдан ўтказиш ҳам кўзда тутилди.

ТАЖРИБАЛИ АМАЛИЁТ ШИФОКОРЛАРИ

УЧТЕПА ТУМАНИДАГИ 25-ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА ЎЗ ҲУДУДИДАГИ АҲОЛИГА НАМУНАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИБ КЕЛМОҚДА.

Умумий амалиёт шифокори Нозим Абдурахмоновнинг фаоллигида олиб борилаётган муолажалар ҳам яхши самаралар бермоқда.

Поликлиникада меҳнат қилиб келаётган Шароф Қосимов, Машҳура Зоҳидовалар ҳам ўз билим ва маҳоратларини ошириш мақсадида умумий амалиёт шифокори республика ўқувидан катнашдилар.

Ақбар АЛИЕВ

БОЗОР ШАРОИТИДА ҲАР ҚАНДАЙ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РАҚОБАТБОРДОШЛИГИ КЎПРОК ИЛМ ТАЛАБ ҚИЛАДИГАН, ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯГА АСОСЛАНГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАШТИРИШ ДАРАЖАСИГА БОҒЛИҚ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ 2008 ЙИЛ 15 ИЮЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАТБИҚ ЭТИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида»ги ҚАРОРИ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ ТАРМОҚЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТОМОНИДАН БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА ОЛИМЛАРИМИЗ ҚАНДАЙ ҲИССА ҚЎШМОҚДА? ЎЗА МУҲБИРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНАР АКАДЕМИЯСИ ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ДИРЕКТОРИ, АКАДЕМИК САЙЁРА РАШИДОВА БИЛАН ШУ ҲАҚДА СУҲБАТЛАШДИ.

— Мамлакатимиз бугун улкан илмий ва технология саложига эга, — дейди С.Рашидова. — Ушбу саложиятни рўёбга чиқариш эса Ўзбекистонни келажақда ҳам барқарор ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Президент Ислам Каримов мамлакатимиз илм-фанини кўлаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қўшимча эътибор қаратар экан, уни биринчи навбаторда, республикада илмий-техник тараққиётга эришиш ва жаҳон бозорида илм талаб ҳамда рақобатбардош ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ёрдам берадиган тадқиқотларни ўтказишга йўналтириш зарурлигини таъкидлайди. Шу сабабли фундаментал илм-фан билан шуғулланганидан Ўзбекистон олимлари ўз ишлари натижаларини амалда таъбиқ этишга интиломоқда. Зеро, фундаментал илм-фанис иқтисодиётнинг

реал секторини ривожлантиришга қўшимча инновациялар ҳам бўлмайди. Жорий йилнинг баҳорида бўлиб ўтган Биринчи Республика инновация ғоялари ва лойиҳалари ярмаракси бунинг ёрқин исботидир. Унда ишлаб чиқарувчилар нафақат мамлакатимиз олимларининг истиқболли интеллектуал «маҳсулот»лари билан танишиш, балки иқтисодиётнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш мақсадида шартномалар тузиш имконига эга бўлди. Ярмаркада институтимиз 26 та ўз ишланмаси билан иштирок этди ва 23 та ишланма бўйича уларни жорий этиш тўғрисида умумий қиймати 180 миллион сўмга тенг шартнома ва ахдлашув протоколлари имзоланди. Бу, бир томондан, соҳаларнинг янги, давр талабларига жавоб берадиган технологияларга катта эҳтиёж сезаётганидан, иккинчи томондан эса, олимларнинг инновацион фаолиятининг амалий асосини ята эга эканидан далolat беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 15 июлда қабул қилинган қарори ушбу йўналишдаги келгуси илмий ишлар учун муҳим омил бўлди. Бундан бунён Республика инновация ғоялари, технологиялари ва лойиҳалари ярмаракси ҳар йили ўтказилади. Бу эса, ўз навбатида, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва корхоналари ўртасида яқин кооперацияни ривожлантириш имконини беради. Қарорга мувофиқ, амалий тадқиқотлар, инновация лойиҳалари ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаш, уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш мақсадида ҳужалик бошқаруви органлари ва корхоналарининг илмий ишланмаларини янада кенг ўзлаштириш учун модернизация ва янги технологиялар жамғармаларини ташкил этишда ёрдам кўрсатилади. Бундан ташқари, ҳужалик юритувчи субъектлар ҳузурида соҳа

лоийиха-конструкторлик ташкилотлари солиқ ҳамда божхона тўловлари бўйича катта имтиёзларга эга бўлади. Шунингдек, 2009-2012 йилларда уларга давлат илмий-техник дастурлари доирасида асосб-уқсуналарни модернизация қилиш учун маблағ ажратилади. Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш, унга бўлган талабни ошириш ва пировардида, олимларимиз ютуқларидан фойдаланган ҳолда иқтисодиёт тармоқларини янада модернизация қилишга катта эътибор бераётганининг яққол тасдиғидир.

— Бугунги кунда Полимерлар кимёси ва физикаси институтида амалга оширилаётган тадқиқотларнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?

— Институтимиз Марказий Осиёда ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган ягона илмий муассаса ҳисобланади. Бу ерда тадқиқотлар фаилларо ёндашув асосида олиб бориломоқда. Полимерлар асосида яратилган олдиндан белгиланган хусусиятларга янги моддалар ва наноматериаллар кишлоқ ҳужалиги, сановат, қурилиш, тиббиёт, ветеринария, фармацевтика ва бошқа бир қатор соҳаларда кенг қўлланиломоқда. Нанотехнологиялардан фойдаланган ҳолда полимерларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш бутун дунёнинг йирик илмий марказлари учун устувор йўналиш ҳисобланади. Биз ушбу марказларнинг кўпчилиги билан фаол ҳамкорлик қилмоқдамиз, дунёнинг турли мамлакатларидаги ҳамкасбларимиз билан биргаликда тадқиқотлар ўтказмоқдамиз.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз кимё тармоғи қайта ишлаш саноатидан полимерлар ишлаб чиқариш саноатига айланди. Ушлаб йирик корхоналар қурилиб, бугунги кунда самарали фаолият кўрсатмоқда. Ушбу корхоналарда полиэтилен,

полипропилен, целлюлоза, полиакриламид ва бошқа полимер маҳсулотлар ишлаб чиқариломоқда. Бу ана шу маҳсулотлар билан нафақат ички бозорни таъминлаш, балки бошқа давлатларга ҳам экспорт қилиш имконини беради.

Шу боис институтимизда амалга оширилаётган муҳим ва амалий тадқиқотлар Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларининг реал эҳтиёжлари, мамлакатда юриллаётган ресурсларни тежаш ҳамда импорт ўрнини босиш сийсати ҳисобга олинган ҳолда ташкил этиломоқда.

халфат олдин пишади, ҳосилдорлик ўртача гектаридан 3-4 центнерга ошадди, олинанидан пахта толаси сифати яхшиланди.

Чигитни капсуллаш технологияси Намангандаги «Миришкор» чигитни қобқисилантириш заводи, Фарғона вилояти Риштон туманидаги қатор корхоналар, Қорақалпоғистон Республикасининг Аму-дарё туманида қўлланиломоқда. Бугун республикаимизнинг турли ҳудудларидаги кўплаб фермер ҳужалиқлари экиш учун капсулланган ана шундай чигитдан самарали фойдаланмоқда. Энди Юртбошимизнинг инновация ишланмаларини ўзлаштириш рағбатлантириш тўғрисидаги қарорининг амалга оширилиши туфайли синовдан ўтган ушбу самарали технология мамлакатимиз пахта саноатига кенг жорий этилади, деб ўйлаймен. Институтимиз олимлари шу аснода бошқа кишлоқ ҳужалик ички бозорини таъминлаш, дукжалки ўсимликлар, сабзавот ва полиз экинлари, хаттоки, мевали дарахтлар, жумладан, цитрус мевали дарахтларни етиштиришда

— Илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Мамлакат иқтисодиётининг давлатимиз раҳбари белгилаб берган инновацион ривожланиш йўлига ўтиши сабабли илмий изланишлар, жумладан, кимё ва физика полимерлари соҳасидаги изланишлар тобора амалий хусусият касб этмоқда. Олимларнинг инновацион фаолияти натижаларига бўлган талабнинг юқорири, яратилаётган янгиликларнинг иқтисодий жиҳатдан мақсада мувофиқлиги ва уларнинг асосида рақобатбардош маҳсулотлар олиш имконияти илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилаётган асосий йўналишлар ҳисобланади. Институтимиз ушбу талабларга мувофиқ давлат грантлари, тармоқлар ва корхоналар буюртмалари бўйича ишларни бажариломоқда. Мисол учун, ўтган йили 6 та давлат йиллий-техник дастури, 3 фундаментал тадқиқот лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фундаментал тадқиқотларни кўлаб-қувватлаш жамғармасининг 6 лойиҳаси, 3 инновация лойиҳаси ва 15 ҳужалик-шартнома ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон олимларининг истиқболли технологиялари нафақат республикаимиз, балки хорижда ҳам кенг қўлланиломоқда, уларга ички бозорда ҳам, жаҳон бозорида ҳам талаб катта. Бунга мамлакатимизда ташкил этилган ҳамда илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича самарали фаолият кўрсатаётган тизим туфайли эришилди. Ушбу тизимда фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, бунинг натижасида ишлаб чиқаришни техник ва технология янгилаш йўллари ишлаб чиқилди. Мухтасар айтганда, олимларимиз амалга ошираётган кенг қўламли ишларнинг пировард мақсади Президентимиз ташаббуси билан рўёбга чиқарилаётган кенг қўламли ислохотлар доирасида миллий иқтисодиётни барқарор инновацион ривожлантириш, жаҳон илм-фан ва иқтисодиётида Ўзбекистоннинг нуфузини янада оширишга қўмақлашганидан иборатдир.

мазкур технологияни қўлаш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда.

Бу мутахассисларимизнинг мамлакат иқтисодиёти эҳтиёжларига йўналтирилган кўплаб ишланмаларидан бири, ҳолоқ. Енгил таъсир қиладиган янги «Полидеф» дефолианти, айни пайтанда қичқиди деб ҳисобланган оксидланган линтдан экологик хавфсиз органик минерал ўғитлар олиш технологияси шулар жумласидан. Пахта целлюлозасидан кенг миқёсда фойдаланиш борасида ҳам кўплаб тадқиқотлар олиб бориломоқда. Айни пайтанда Фарғонадаги фуран бирикмалари заводида институтимизда яратилган технология асосида озик-овқат саноати ва тиббиёт соҳасида қўлланиладиган тозаланган карбоксиметилцеллюлоза ишлаб чиқарадиган янги цех қуриломоқда.

— Институт мутахассислари томонидан синтез қилинган полимерлар бошқа соҳаларда ҳам қўлланилгани?

— Ушбу полимерлар кўлаб соҳаларда қўлланиломоқда. Масалан, институтимиз лабораторияларида яратилаётган табиий полимерлар, шу жумладан, пахта микросталл целлюлозасидан олинанидан полимерлар замонавий тиббиёт талабларига тўлиқ жавоб беради. Яқинда ишлаб чиқилган ва қўлаш учун рўхсат этилган «Микроцелл» шундай препаратлар сирасига кириди. У ошқозон-ичак тракти функциясини нормаллаштириш, организмни детоксикация қилиш, вазнини камайтириш учун мўлжалланган. Микрокристалл целлюлозадан мамлакат фармацевтика саноатида халқдорлар таркибинини бойитишда кенг фойдаланиломоқда, у қурилиш материаллари, пайвандлаш электродлари, қорғоз ишлаб чиқаришда, кимё, озик-овқат саноатида ҳам қўлланиломоқда.

Пахта целлюлозаси ва ёғ-мол комбинатлари чиқиндиларидан самарали таъсир кўрсатадиган вирус-

За муҳбири А. ИВАНОВА суҳбатлашди

Истиқлол — эркин ва фаровон келажагимиз гарови
ИННОВАЦИЯ — ФУНДАМЕНТАЛ ИЛМ-ФАН МАҲСУЛИ

Оз-Оз Ҳақиқат
Домо бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БҮСТОНИ
МУХАММАДРИЗО ОГАҲИЙ ХИКМАТЛАР

Тангрига айлаб таваккул, қил қаноатни шiyor,
Икки оламда керак бўлса агар иззат санго.

Ранжлар тортиб туну кун, ҳосил этсанг ганжлар,
Борчаси сандин қолиб, ҳамраҳ борур ҳасрат санго.

Бағринга тиш беркитиб сабр айла жузу фоқага —
Ким, ўлум яхши егандин нон чекиб миннат санго.

Ҳар кимки, дар шоҳлигин айлади ҳавас,
Бордур насиб гуссаи фикри жаҳон анго.

Султондур ул гадоки, бузуқ кулбаси аро
Осудадур топилса бирор пора нон анго.

Даҳр боғи гуллари рангину дилқашдур баса,
Ҳайфким меҳру вафо бўйи эрур ноёб анго.

Қарилар ҳолига боқ лутфинг кўзидин, эй йигит —
Ким, камоли ҳусн ожизлар дуосидин санго.

Чун қаро ер ости охир бўлғусидур манзилинг,
Бас, не осиг гулшани олам сафосидин санго.

Замоне айламас ҳеч кимга бу дунё вафо.

Илм андоқ ганжи нофеъдур бани одамғаким,
Кимда ул бўлса, ик олам бўлур обод анго.

Касби илм этмай киши гар қолса маҳзи жаҳл ила,
Икки олам обрўси бўлғуси барбод анго.

Маони боғини доно қилур сайр,
Қачон қилғай они нодон тамошо.

Қил таваккул Ҳақга, элдин чекмағил миннатки, ул
Бир оғир юкдурки, ўлмиш неча ҳаммол остида.

Чарх ер остига бошинг солғай охир, не осиг,
Ою кундин лаълу гавҳар қилсонг афсар устида.

Дурру гавҳар оллида туфроқ мисиллик хордур,
Кимки фарқ идрок эта олмас дуру туфроқ аро.

Оқибат туфроқга паст айлағай даври сипехр,
Айласанг маскан нечакам авжи кайвон устида.

Эй хушо фаҳр аҳликим, тенг тутмас эски тўнига,
Атласу зарбафт хилғат кўрса султон устида.

Суди йўқ, эй шаҳ, ажал чопғуни еткан замон,
Бўлса қилич зулфикор от доғи дулдул санго.

Жаҳлат бир давосиз дард эрур жоҳилга билгилким,
Кулоқ солмас илож дардиға гар очса Луқмон лаб.

БУГУН ИНТЕРНЕТ ҲАЁТНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИГА КИРИБ БОРМОҚДА. УНДАН Фойдаланувчилар сони ЭСА йилдан-йилга ортимоқда. Маълумотларга қараганда, БУГУНГИ КУНДА дунё бўйича жами бир миллиарддан ортиқ киши Интернетдан фойдаланар экан. УШБУ ГЛОБАЛ ТАРМОҚ БУГУН НАФАҚАТ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ, БАЛКИ ТУРЛИ ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВОСИТАСИ ҲАМДИР. ДЕМАК УНИ дунё мамлакатлари бўйлаб жадаллик билан ривожланиши ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ БИР КўРИНИШИ ДЕЙИШ МУМКИН. Хўш, УНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ўрни қандай? БУ ЭСА БИРИНЧИ ўринда Интернетдан қай тарзда фойдаланишга боғлиқ.

ИНТЕРНЕТНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ўрни

Интернетдан фойдаланётганда унинг яхши ва ёмон томонларини ҳисобга олиш зарур. Маъмур технологияни фойдали томонлари жуда кўп бўлиб, ахборотларни тез топиш, ихтиёрли хабарни олиш, электрон китоблар, почта орқали хатлар юзатиш каби имкониятга эга. Шуниси эътиборлики, ҳозирда интернет орқали сўзлашув, видео сўзлашувлар ҳам мавжуд. Айниқса, ахборот асри ҳисобланган ҳозирги кунда қайси соҳада бўлмасин унинг аҳамияти юқори.

робариди айрим салбий ҳолатларни ҳам келтириб чиқарар экан. Интернетда узок ишлаш жараёни хотиранинг сусайишига, вақтни идорқ қила олмади қолишга сабаб бўлади. Бундан ташқари, мунтазам 3-4 соат интернетда ишлаган болаларда қўриш ва рангларни фарқлаш йўқолиб боради. Шу билан бирга айрим инсонлар руҳиятига таъсир қилади. Интернетдаги маълумотларнинг тўричилиги аниқлиги қилиш инсонни тушунлиққа тушириб қўяди. Бу ҳолатнинг узок муддат сақланиб қолиши ҳоллари ҳам учраб туради.

нувчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил этар экан. Дарҳақиқат, интернетсиз ахборот технологияларини тасаввур қилиб бўлмайди. Демак интернетдан ҳар ким ўз қизиқиши, билими ва дунё-қарашидан келиб чиқиб фойдаланади. Шу нуқтага назардан қарайдиган бўлсак, шахс дунёқарашини, маънавиятини бойитишдаги аҳамияти ҳам турлича. Агар интернетдан оқилона, самарали фойдаланилса, у жамият равиши учун хизмат қилади.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

«Тошкент оқшомини» саломатлик хизмати

ТЕГИШЛИ ҚОНДАЛАРГА РИОЯ ҚИЛИНГ

Таҳририятга келган мактублардан бирида Хайринос М. кўп йиллардан бери ортиқча вақтдан азият чекишини, ҳар турли парезларда оилаб ўтирсан ҳам вақт ўтиши билан яна оғирлиги жойига келиб қолаверганини ёзган. Парезасиз ҳам оза бўлармикан, деб сўраган. Шу савол билан биз тиббиёт фанлари номзоиди Собиржон Азмидиновга мурожаат қилдик.

тўйганингизни анча кейин қилиб қоласиз — ахир оватлар синга бошлаши керак-да. Мабоодо, телевизор томоша қилиб ўтириб, бирон нимани эрмак қилиб чинаб ўтиришга одатланган бўлсангиз, бу одатингизни зудлик билан тарқ этинг: зеро, телекўрсатувга берилиб кетиб, ошқозонингизга йўлланган оватлардан ҳажми назоратини ёддан чиқаришингиз мумкин.

омилларини келтирдик. Лекин улар ҳақиқатан ҳам чиройли қадди-қоматга эга бўлишга ёрдам бериши, шубҳасиз. Ҳадисларда, оватланганда ошқозоннинг учдан бирини кулоқ оват қилиб, яна ўдан бирини суюқлик билан тўлдириш, қолган ўдан бири ҳаво учун қолдирилиши кераклиги бежиз айтилмаган. Айнан шу тартибда оватланиш инсоннинг саломатлигига ишончли кафолат бўла олади.

— Ваэни бир меъёрда ушлаб туриш учун, — дейди шифокор, — албатта дармий парезда юриш шарт эмас. Энг аввало ўз оватланиш хатти-ҳаракатларингизни ўзгартиришга уринишингиз керак. Дастлаб нон ва қандолатчилик маҳсулотларини истеъмолчини чеклаш лозим бўлади. Шунингдек, «газак»лардан, «у-бу билан қоринни алдаш» одатидан воз кечишга ҳам тўғри келади. Тўлақонли уч маҳаллик оватланишга ўтиш мақсадга мувофиқ ва катта амалий аҳамиятга эга. Бунда оватнинг хилма-хиллиги, аммо меъёрдан ортиқ бўлмалиги муҳим шарт.

Бозордан озиқ-оватлар харид қилишда сизга қуйидаги қондаларга риоя этишини тавсия этимиз.

- Ҳеч қачон бозорга оч қорин билан борманг — бундай аҳволда сиз албатта керагидан анча ортиқ нарсалар сотиб оласиз.
- Озиқ-оватларни муҳлатингиздан ортиқ сотиб олма.
- Оила аъзоларингиз ёқтирайдиган озиқ-оватларни ҳеч қачон харид қилманг — акс ҳолда уларнинг сизнинг ўзингиз ейишингизга тўғри келмас.
- Кўпроқ паст калорияли (камқувват) маҳсулотларни сотиб олишга ҳаракат қилинг.
- Ёғлиқ бўлмаган мол гўшти, қувён, қурж гўшти, ёғлиқ даражаси паст бўлган суг маҳсулотлари-

ҳарид қилинг.

- Кўпроқ балик ва бошқа денгиз маҳсулотларини, шунингдек, сабзавотларни сотиб олишга интилинг.
- Қолбаса, сосиска ва сарделкалардан воз кечинг: уларда пинқоний ёғ моддалари кўп бўлади.
- Банан, узум ва хурмо истеъмолчини камайтиринг. Мевалардан олма ва шитрус меваларига устуворлик берганингиз маъқул.
- Яхшии — арпа унidan, кепалик буддой унidan ёғилган нонларни сотиб олиб тўғри қиласиз.
- Тортлар, пирожнийлар ва музқаймақларни харид этмасликка ҳаракат қилинг.

Ростман ваэна эга бўлиб юришда турмуш тарзи муҳим аҳамиятга эга. Жисмоний фаолият фойда оватланиш хатти-ҳаракатларингизни ўзгартириш ишингиз анча самаралироқ ўтади. Шунинг учун фитнес, аэробика, сузиш билан шуғулланиш ёки, ҳеч бўлмаганда, мунтазам равишда арталабки гимнастика машқларини бажариб бориш фойдали.

Мунажжам башорати

1 АВГУСТ, ЖУМА
Бу кеча-кундузда эски ой тугаб, янги ойнинг биринчи кўни бошланади. Ҳаётга саросималик келтирувчи Саккизабоддан бошланган кун қувват жихатидан соф «Чирок» рамзи билан давом этади. Янги ишга киришиб бўлмайди. Яхшии, олдинги ишларни сарҳисоб қилиб, қайси

ишлар тўғри бўлгану, қайсиларида хатога йўл қўйилгани устида муҳоҳада юритиш керак.

Атрофдагилар билан мулоқотларни кескин камайтирган маъқул. Шаҳар ташқарисига уюштирилган сайру саёҳатлар жуда фойдали бўлади. Салбий ўй-фикрларни ўзингизга ақиналаштирманг, хафагарчилик ва айбдорлик ҳисларидан халос

бўлинг, фикран ўзингизни янги ишларга тайёрланг.

Ошқозон-ичак йўллари билан боғлиқ жарроҳлик операциялари ва муолажалар тавсия этилади. Қон айланиш тизими ва лимфатик безлар хасталикларга мойил бўлади. Инфекцияли касалликлар, грип ва замбуруғли хасталиклар билан оғриш эҳтимоли мавжуд. Турли хил аллергик касалликлар хуруж қилиши мумкин.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ
бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда
2008 йил 9 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига, Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани суд икоччилари бўлими томонидан, ФИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани судининг 02.04.2008 йилдаги 1-5413-сонли икоч варақасига асосан хатланган, С.Раҳимов тумани, «10-сонли автомобиль саклаш» жарима майдонида сакланаётган, «ВАЗ-21099» русумли, д/р 11Е9595 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 3 850 000 сўм.

Шунингдек, 2008 йил 26 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд икоччилари бўлими томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари такрон қўйилмоқда. 1.ЖИБ Юнусобод туман судининг 14.04.2008 йилдаги 16/072264-сонли икоч варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ЙХБ 1-сонли жарима майдонинида сакланаётган, «БМВ-525» русумли, д/р Х945NMM бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 000 000 сўм. 2.ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 28.11.2007 йилдаги ЖСК-1-603/07-сонли икоч варақасига асосан хатланган, Республика МХХ автомобиль майдонида сакланаётган «ВАЗ-21104-125-51» русумли, д/р 30U5708 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 12 000 000 сўм.

Маъмур автотранспорт воситалари билан тегишли суд икоччилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатига икоч ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт. МФО:00901, ИНН:200933850, х/р:20210000500571452105. Манзил: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.Уразабоев кўчаси, 1-А-ўй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилган газ, электр энергияси, соғуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал хўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловиға кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлимларида амалга оширилади.

Фақат умумий саъй-ҳаракатларни бириктирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.

Тошкент шаҳар ҳокимияти икочроия маҳкамаси кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси томонидан «В.В.В» корхонасига 2003 йил 4 февраль куни берилган 10-В/2003 реестр рақамига эга кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563



Бадий гимнастика

ҚИЗИҚАРЛИ МАШГУЛОТЛАР

ШАҲРИМИЗДА ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА БУНЁД ЭТИЛГАН «УНИВЕРСАЛ» СПОРТ МАЖМУАСИДА КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА ҲАР ХИЛ СПОРТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ҚИТЪА ЧЕМПИОНЛАРИ, ГРАН ПРИ ТУРКУМИГА КИРУВЧИ НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Таъкидлаш жоизки, бу ерда ҳар хил спорт турлари бўйича секциялар ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, «Универсал» спорт мажмуасида ярим йил олдин фаолият бошлаган бадий гимнастика секциясига тажрибали мураббийлар спорт усталари Азиза Йўлдошева ҳамда Севара Каримовалар бошчилик қилишмоқда. Улар ўз шогирдларига устозлик меҳри билан ёндашиб, ҳар бир элементни пухта тушунириб борадилар. Ўз навбатида болақонлар ҳам мураббийларнинг қимматли ўғитларига қўлқўтишга ҳаракат қилишади.

— Қизларни «Саломатлик» гуруҳига қабул қилар эканмиз, авваламбор уларнинг характери, тана тузилиши, эгилювчанлиги, ёнги

— Пекин — 2008

СПОРТЧИЛАР МУСОБАҚАГА ШАЙ

ПЕКИН МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИГАН ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ ЁЗГИ ОЛИМПИАДА МУСОБАҚАЛАРИГА САНОҚЛИ КУНЛАР ҚОЛДИ. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН ЎЗБЕКISTON МИЛЛИЙ ОЛИМПИА ҚЎМИТАСИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Миллий Олимпия қўмитаси вакиллари, олимпия спорт турлари бўйича республика федерациялари бош қотиблари иштирокидаги анжуманда спортчиларнинг ёзги олимпиада ўйинлариға тайёргарлиги, ташкилий ишлар, совринли ўринларга сазовор бўлганларни тақдирлаш кабилар хусусида артавлича маълумот берилди.

Пекинда бўладиган мусобақаларда мамлакатимизнинг 58 нафар спортчиси ўн бешта спорт тури бўйича Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилади. Мутахассисларнинг таъкидича, юрдошларимизнинг имкониятлари, айниқса, юнон-рум ва эркин кураш борасида бошқа турларға қараганда кўпроқ. Чунки, ёзги олимпиада йўлланмасини ушбу тур бўйича қўлга киритган спортчилар қўлаб жаҳон ва Европа миқёсидаги нуфузли мусобақаларда нималарға қодирлигини исботлаб бўлган. Шунингдек, бошқа қатор спорт йўналишлари борасида ҳам спортчиларимиз дунёнинг кучли давлатлари билан тенгма-тенг куч синаша олади.

Таъкидлаш лозимки, совринли ўринларни қўлга киритган спортчиларни мукофотлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Олимпиада олтин медалига сазовор бўлган спортчимиз 100 минг АҚШ доллари, кумуш медал соҳиб 50 минг доллар ва бронза медал эгаси эса 25 минг доллар миқдорда мукофотланади. Анжуман доирасида Ўзбекистон миллий терма жамоасининг спорт кийимлари ҳам намойиш этилди.

«Туркистон-пресс»

Швейцариядан хушхабар

ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ ҒОЛИБЛИККА ДАЪВОГАР

19 ИЮЛЬ — 1 АВГУСТ КУНЛАРИ ШВЕЙЦАРИЯНИНГ СЕНТ-ГАЛЕН ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ҚАР ШАХМАТЧИЛАР ЎРТАСИДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ЎЗБЕКISTON ҚАР ШАХМАТЧИЛАРИДАН СИРОЖИДДИН ЗАЙНИДДИНОВ — ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА, АЛИШЕР АНАРҚУЛОВ — ЭРКАКЛАР ЎРТАСИДА, ИНОВАТ ЧОПОШОВА — АЁЛЛАР ЎРТАСИДА ҚАТНАШМОҚДАЛАР.

Ушбу мусобақада 31 давлат вакиллари иштирок этмоқда. Россия, АҚШ, Исландия, Швейцария, Голландия, Англия, Шотландия, Уэльс, Германия, Швеция, Италия, Словения, Чехия, Португалия, Венгрия, Руминия, Беларуссия, Украина, Озарбойжон, Бангладеш, Ўзбекистон, Молдова шулар жумласидандир.

Бизнинг спортчимиз Сирожиддин Зайниддинов (ўсмирлар ўртасида) 9 ўйинда 7 та ютуқ ва 2 та дуранг натижа билан жадалнинг юқори поғонасидан ўрин эгаллаб турибди.

Алишер Анаркулов ҳам совриндорлар қаторидан жой олиш учун ўз маҳоратини кўрсатмоқда. У 9 ўйинда 6 та ютуқ, 2 та дуранг ва 1 та мағлубият билан кучли учлиқдан жой олган.

Йўлаймики, шахматчиларимиз сўнгги икки кун ичида бўлиб ўтадиган ҳал қилувчи ўйинларда ҳам муваффақиятга эришадилар.

Иноват Чопошова илк бор жаҳон чемпионатида қатнашмоқда. У ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олмасда, ўз ўйини билан ташкилотчилар томонидан юқори баҳо олишга муваффақ бўлди.

Ушбу турнир вақтида бизни кувонтирадиган янгиликлар жаҳон шахмат федерацияси томонидан маълум қилинди. Яъни Алишер Анаркулов Халқаро шахмат федерацияси қар шахматчилар терма жамоасига қабул қилинди ва шу йилнинг ноябрь ойида Германияда ўтказиладиган Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

(Ўз мухбиримиз)

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 606

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3189 нусхада босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларига почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шаҳр» нашрийт-матбعا акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Бурак Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5 6